

УДК: 631.5+333

КБК: 24.5

Т - 73

Ушбу тўпламда гўза, галла, дон-дуққали экинлар селекцияси, уруғчилиги ва уруғшунослиги, мева-сабзавотчилик ва узумчилик селекцияси, уруғчилиги ва уруғшунослиги, ўрмон дарахт ва бута ўсимликларининг генетик ресурслари ва уларни етиштириш технологиялари, тупрок иқлим шароитида кишлоқ хўжалик экинларини касаллик ва зараркундаларга чидамлилигини оширишда селекцион ва агрокимёвий усулларига оид илмий мақолалар ўз аксини топган. Тўплам кишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ўқув юрглари профессор-ўқитувчилари, магистратура ва бакалавриат талабалари, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари ҳамда кишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

М а с ъ у л м у х а р р и р

Б.ф.д., профессор Б. Сулаймонов

Т а к р и з ч и л а р:

К.х.ф.д. профессор Х.Н.Атабаева

Б.ф.д., ЎзФА мухбир аъзоси, профессор С.А.Рахмонкулов

Тахрир хайъати ва ташкилий қўмита:

ТошДАУ Илмий тадқиқотлар бўйича проректор **М.М.Адилов** (хайъат раиси)

ТошДАУ Ўқув ишлари бўйича проректор, профессор **С.Я.Исламов**

ТошДАУ «Ўрмончилик ва экология» кафедраси профессори **А.Қайимов**

ТошДАУ «Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик» кафедраси профессори **В.И.Зуев**

ТошДАУ «Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик» кафедраси профессори **Х.Ч.Бўриев**

ТошДАУ Агрономия факультети декани, доцент **Х.К.Алланов**

ТошДАУ «Ўрмончилик ва экология» кафедраси муdiri, доцент **Я.Юлдашев**

ТошДАУ «Агрокимё ва тупрокшунослик» кафедраси муdiri, доцент **Б.С.Комилов**

ТошДАУ «Ўсимликларни зараркундалардан химоя қилиш ва карантини» кафедраси муdiri, к.х.ф.д. **А.Анарбоев**

ТошДАУ «Кишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги» кафедраси муdiri, доцент **Х.К.Назаров**

Нашрга тайёрловчилар:

к.х.ф.д., доцент Г.Р.Холмуродова ва ассистентлар Д.М.Умиров, С.Х.Турсоатов

ISBN: 978-9943-13-772-1

«Наврўз» нашриёти, 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**“ СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИҚДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАРГА БАРДОШЛИ АШЁЛАР
ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ”**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами
(Тошкент, 2017 йил 22 декабрь)*

**“Наврўз” нашриёти
Тошкент-2017**

tez o'zini o'nglab oladi. Ularda suv tanqisligi kam bo'ladi. O'simliklarni hujayralari kichik, barglari esa toblanmagan o'simliklarnikiga nisbatan katta bo'ladi. Hosildorligi esa yuqori bo'ladi. Hatto qurg'oqchilik bo'lmagan taqdirda ham toblangan o'simliklarni o'sishi va hosildorligi yuqori bo'ladi

Yuqorida keltirilgan ma'lumatlardan shunday xulosaga kelish mumkinki, o'simliklarni har qanday usul bilan kuchsiz elektr toki ta'siriga uchratish ularga jabiy ta'sir etadi, o'simliklarni turli noqulay sharoitlarga nisbatan chidamliligini o'tirib, moddala almashinuvini va demak hosildorlikni ortishiga olib keladi. Bu usulni ta'lim va ilmiy tizimda qur'osh batareyalar yordamida amalga oshirilsam u qadar qimmatga tushmaydi va qishloq xo'jaligi uchun katta foyda keltiradi

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Гордеев А.М., Шершнев В.Б. Электричество в жизни растений. – М.: Наука, 1991 г. – 160 с.

2. Маслоброд С.Л., Мустэфаев Т.Г., Шабала С.Н. Слабый электрический ток как экологически чистый и технологичный (фактор повышения адаптивного потенциала с/х растений. В сб.: Экологически чистое растениеводство, Ташкент, 1990 г.

УДК631.811.1+631.811.2+631.811.3

КИЗИЛКУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ ТУРДАГИ МУРАККАБ НКФУ ЎГИТЛАРИНИНГ ҒЎЗАНИ КУРУК МАССА ТЎПЛАШИГА ТАЪСИРИ

З.Ш.Асқарова, М.М.Мирзажонова, Н.А.Қалиқов
ТошДАУ

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиқ экинларига агротехник хизмат кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 24 октябр ПК-2640-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни олиб бориш, агрокимёвий картограммаларини тузган ҳолда тупроқ ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларидаги оғир металллар тузлари ва пестицидлар, чўкинди қолдиқлари тўпланган радионуклеидларни таҳлил қилиш, тупроқни озиклаш моддалари таъминотини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиқига минерал ўғитларни дифференциал ва агрокимё картограммаларига катъиян мувофиқ кўринишда етказиб беришни таъминлаш масалалари келтирилган (Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й).

Минерал ўғитлар етишмаётган вақтида тупроқни мақбул озиклаш тартибларини сақловчи ғўза ва ғалладан юқори ҳосил олишни таъминловчи бошқа омилларни излашни тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиқидаги муттасадди олимларни вазифаси кузги бўғдой ғўза алмашлаб экиш тизимида тупроққа турли хил ишлов берилганда

усимликларни азот ўзлаштиришни ўрганиш, гўзада маъдан ўғитларни шакл ва меъерларини янада тўғри қўллаш. Қизилқум фосфоритлари асосида республиканинг кимё заводларида ишлаб чиқарилаётган мураккаб ўғитларнинг янги шаклларини гўзадаги самарадорлигини ўрганиш шу куннинг долзарб масалаларидандир.

Қизилқум фосфоритлари асосида ишланган янги турдаги мураккаб ўғитлардан нитрокальцийфосфат (НКФУ) ўғитини гўзадаги самарадорлиги ЎзПИТИ нинг типик бўз тупроқларида вегетацион тажриба шароитида Б.Х.Тиллабеков ва Б.И.Ниезалиевлар (2006) томонидан ўрганилиб, олинган маълумотларга кўра, ўртача пахта ҳосили азот ва калий ўғитлари солинган (ФОН) вариантда 59,7г/иштиш , аммофос таркибидаги азот ҳисобига олинган ҳолда йиллик азот 7,0 г/иштиш миқдорда солинганда 83,7 г/иштиш, НКФУ таркибидаги азот ҳисобга олинган ҳолда (7,0 г/иштиш N) қўлланилганда-59,7 г/иштиш ва НКФУ таркибидаги азот ҳисобга олинмай солинганда-77,9 г/иштиш ташкил қилди. Демак, НКФУни фосфорли ўғит сифатида қўлланилса назоратга нисбатан 18,7 г/иштиш кўшимча ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди, лекин бу кўрсаткич аммофосникидан эса 5,8 г/иштишга камдир. Олинган илмий маълумотлар бу турдаги ўғитларни дала ва ишлаб чиқариш шароитида синаш кераклигини тақозо этади.

Илмий тадқиқотлар иш дастури бўйича дала шароитларида типик бўз тупроқларда олиб борилди. Бу тажрибалар асосан ЎзПИТИ тажриба даласида ўтказилди. Дала тажрибаларида бўлинмалар эни, узунлиги ҳамда бўлинмалар жойланиши дала шароитларига қараб белгиланди. Тажриба вариантлари 3 марта такрорланишда олиб борилди. Бу тупроқлар қадимдан суғорилиб келинган бўлиб, агрокимёвий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Типик бўз тупроқларни агрокимёвий хусусиятлари

Тупроқ қатламлари, см	Умумий шакллари, %			Харакатчан шакллари, мг/кг		
	Чиринди	Азот	Фосфор	N-N0 ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
0-50	1,360	0,099	0,115	23,9	20,0	140
30-50	0,998	0,091	0,118	10,0	18,2	120

Бу маълумотларга кўра тупроқ озика унсурларини ҳаракатчан шакллари билан кам даражада таъминланган. Бу тупроқда қўлланилган маъдан ўғитларининг шаклларини самарадорлиги сезиларли бўлади.

Тажрибаларда қуйидаги маъдан ўғитларни турлари қўлланилди: аммиакли селитра (N 34%), аммофос (N 11-12, P₂O₅-46%) хлорли калий (K₂O-56%), НКФУ-I (N 9,2; P₂O₅ 11,0%), НКФУ -II- (N-6,8; P₂O₅-15,07%). Айтиш жоизки НКФУ ўғитлари ҳар бир қўллаш муддатларида ҳам қўлда сепилди ва тупроққа ишлов берилди, азот ва калийли (фон) ўғитлар эса трактор ўғитлагичда қўлланилди. Гўзани қўлланилган мураккаб ўғитларни турларига боғлиқ ҳолдаги қуруқ масса тўплаши ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Бу маълумотларга кўра гўзани 2-3 чин баргли даврида

Ўсимликни қуруқ массаси бўйича вариантлар орасида деярли фарк бўлмади, чунки бу даврда хали озика унсурлари кам миқдорда ўзлаштирилади. Шонлаш давридан бошлаб айрим фарк кузатила бошланди. N+Kли (фон) вариантда 1 ўсимликни қуруқ массаси 4.0 г ни ташкил қилган ҳолда аммофос қўлланилган вариантда бу кўрсаткич 5.0 г ни, НКФУ-I да 4.0-4.0 г ни, НКФУ-II да эса (қўллаш муддатларига мутаносиб равишда) 4.1-4.3 г бўлди.

Ўзани гуллаш даврига келиб юқоридаги вариантларга мутаносиб равишда қуруқ масса 30.1 ва 40.2 г ни, ҳамда 33.1-35.2 ва 34.1-38.1 г ни ташкил қилди. Юқорида ёзганимиздек энг яхши натижалар аммофос N+K фонда қўлланилганда олинди. НКФУ ўғитларини чигит экиш билан ва гуллаш даврида қўлланилганда бошқаларга нисбатан яхшироқ натижалар олинди. Ўзани амал даври охирида унинг бўлаклари (органлари) бўйича олинган (қуруқ масса) маълумотлар диққатга сазовордир. Бу даврда вариантлар орасида кескин фарк борлиги кузатилди. N+Kли вариантда 1 ўсимликда барглр, поя, чаноклар ва пахтаси мутаносиб равишда 24.0; 18.2; 14.5 ва 33.1 г ни 1 ўсимликда эса 89.7 г ни ташкил қилди.

Энг юқори натижалар албатта аммофос фосфори (тавсиялар бўйича) қўлланилганда олинди. бунда ўза бўлақларига мутаносиб равишда қуруқ массаси 26.5; 21.2; 16.1 ва 36.8 г ни 1 ўсимликда эса 100.6 г ни ташкил қилди. Айтиш керакки бу вариантда пахта массаси N+K ли фондан 3.8 гача фарк қилди. НКФУ ўғитлари ичида нисбатан яхшироқ маълумотлар НКФУ-II чигитни экишда (100 кг/га P_2O_5) ва гуллашда (40 кг/га P_2O_5) қўлланилганда олинди ва ўза бўлақларига мутаносиб равишда қуруқ массаси 25.2; 19.8; 14.3 ва 35.4 г ни 1 ўсимликда эса 94.7 ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар 1-вариантникидан 5.4 г га ортикчадир, лекин 2-вариантникидан (аммофосли) 5.9 г га камдир.

2-жадвал

Ўзани қуруқ масса тўплаши (г)

Вар №	Тажриба вариантлари	2-3 чин баргд а	Шона лашд а	Гул лаш да	Пишишда				Бир ўсим ликда
					Барг лар	Поя	Чанок лар	Пахта	
1	N-K (фон)	0.70	4.0	30.1	24.0	18.2	14.5	33.0	89.7
2	Фон - P (аммофос)	0.80	5.0	40.2	26.5	21.2	16.1	36.8	100.6
3	Фон - P (НКФУ-I)	0.65	4.0	33.4	24.2	19.1	15.0	35.6	94.0
4	Фон - P (НКФУ-II)	0.70	4.0	35.2	24.5	21.1	14.5	35.0	95.7
5	Фон - P (НКФУ-I)	0.75	4.0	33.1	24.2	20.5	16.0	33.1	93.8
6	Фон - P (НКФУ-II)	0.70	4.2	34.1	23.1	20.2	14.5	34.0	91.8
7	Фон - P (НКФУ-II)	0.75	4.1	38.1	25.2	19.8	14.3	35.4	94.7
8	Фон - P (НКФУ-II)	0.70	4.3	36.1	24.5	19.1	14.2	34.1	91.9

НКФУ ўғитларини N-Kли фонда қўллаш ўзани қуруқ масса тўплашига нисбатан мақбул шароит яратали, лекин аммофосли вариантдан орқада қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 24 октябр ПК-2040-сонли қарори Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Тиллабеков Б.Х., Нигезалиев Б.И. Фосфорли ўғитларни янги турларини вусудати самарадорлиги. «Актуальные проблемы химической переработки фосфоритов центральных Кызылкумов» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Тошкент, 2006 й. 111-115 бетлар

УДК 632.434.3

ПРИМЕНЕНИЕ ФУНГИЦИДА «ОРГАМКА-С» ПРОТИВ ФУЗАРИОЗА ТОМАТОВ

*Умарова Д., Рахимов У.Х., Хамраева Д.У.
ТашДАУ*

Ўзбекистан даёт самую раннюю продукцию овощей, обеспечивает в полной мере свои потребности и в значительных количествах вывозит ее за пределы республики.

В связи с чем, были приняты ряд законов, указов и решений Президента и Правительства. Так, в указе № УП – 4947 Президента Республики Узбекистана Ш.М. Мирзиёева “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах” от 7 февраля 2017 года предусматривается углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора, дальнейшая оптимизация посевных площадей, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей, кормовых и масличных культур, а также новых интенсивных садов и виноградников; расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, и обладающих высокой продуктивностью.

Наиболее широко распространёнными и вредоносными болезнями помидора в Узбекистане является фузариозная увядания (Пересыпкина, 1989; Песцова, Борисов, 1995; Хасанов ва бош., 2009).

Фузариоз является распространённым и весьма опасным грибковым заболеванием. Эта инфекционная болезнь может быть вызвана грибами из рода *Fusarium*. Может проявлять себя практически во всех климатических областях. Фузариоз поражает ткани и сосудистую систему овощной культуры. Растение увядает, корни и плоды начинают загнивать. Проблемой также является тот факт, что возбудитель способен длительное время